

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Заргарлар ўз уюшмасига эга бўлди

Президентнинг 15.11.2017 йилдаги ПҚ-3388-сон қарори билан Ўзбекистон заргарлик саноати уюшмаси («Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси) ташкил этилди.

Янги ташкил этилган Уюшманинг асосий вазифалари хусусан қуйидагилардан иборат:

- заргарлик тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;
- заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва сифатини ошириш, экспортни кенгайтириш;
- заргарлик саноати учун тизимли профессионал кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва янги иш ўринлари яратиш.

Газ ва электр энергияси учун тарифлар 2018 йилнинг апрель ойидан оширилади

Вазирлар Маҳкамасининг 14.11.2017 йилдаги 913-сон Ёқилғи-энергетика ресурслари билан ўз вақтида таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Ҳужжат билан 15.11.2017 йилдан бошлаб автобензин ва дизель ёқилғисини ишлатганлик учун олинadigan солиқни ҳисобга олган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисининг чакана нархлари оширилиши назарда тутилган (аввалги нархлар 23.10.2016 йилдан амал қилаётган эди):

- Аи-80 маркали автобензин – 3 800 сўм/л (35,7%га оширилди);
- Аи-91 маркали автобензин – 4 300 сўм/л (43,3%га оширилди);
- дизель ёқилғиси – 4 100 сўм/л;
- ЭКО ёқилғиси – 4 200 сўм/л.

Шунингдек, қуйидагиларга улғуржи-сотиш нархлари белгиланди:

- авиакеросин – 4 450 минг сўм/т;
- йўл битуми – 2 300 минг сўм/т;
- мазут ёқилғиси – 2 400 минг сўм/т;
- мотор мойлари – 4 800 минг сўм/т;
- индустриал мойлар – 3 400 минг сўм/т.

Импорт бўйича олиб кириладиган ва импорт (давал) хом ашёсини қайта ишлашдан олинган Аи-92,

Аи-93, Аи-95 ҳамда Аи-98 маркали автобензинлар, дизель ва авиация ёқилғиси эркин тижорат нархларда рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ҳамда мамлакатимиз аэропортларидаги ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилинади.

Жорий йилнинг 15 ноябридан бошлаб айрим тоифадаги шахсларнинг автобензин сотиб олиш харажатларининг бир қисмини ойлик компенсациялаш суммаси 63 400 сўмни ташкил этади.

Маълумот учун: қуйидагилар ойлик пуллик компенсация олиш ҳуқуқига эга:

- уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- уруш ноғиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ноғиронлар;
- I ва II гуруҳ болалиқдан ноғиронлар.

Қарор билан белгиланишича, хусусий тадбиркорлар ихтиёрий равишда бирлашиш йўли билан Уюшмада иштирок этишлари мумкин.

Шунингдек, ҳужжат билан 2018–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида заргарлик саноатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури маъқулланди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига кирувчи заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар 1.01.2021 йилгача божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 15.11.2017 йилдан кучга кирди.



«Ўзнефтьмаҳсулот» АЖ нефть базалари томонидан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига реализация қилинадиган автобензин ва дизель ёқилғисининг чакана нархига нисбатан 10% чегирма белгиланган (транспорт воситаларига бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинadigan солиқ чегирилган ҳолда).

1.04.2018 йилдан бошлаб табиий газ учун тарифлар 1,1 баравар, электр энергияси учун эса – 1,12 баравар, яъни тегишлича 10% ва 12% оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расман эълон қилинган ва 15.11.2017 йилдан кучга кирди.



КАДРЛАР БЎЛИМИ

Директорни қандай қилиб тўғри бўшатиш мумкин

Муассисларнинг ташаббусига кўра раҳбар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинми? Бунга қим ваколатли? Уни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига аниқ мувофиқликда ишдан бўшатиш таомили қандай ўтказилади? Қуйида ушбу масалаларни қўриб чиқамиз.

Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш муассислар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси).

Қорхона раҳбари (директор) жамият муассис-

лари умумий йиғилиши томонидан уставда белгиланган муддатга сайланади. У билан меҳнат шартномаси имзоланади. Бир томондан, раҳбар ўз қорхонаси ходимлари учун иш берувчи, бошқа томондан – жамият иштирокчилари учун ёлланма ходимга айланади.

8-бетда



3-6-БЕТЛАР

1 январдан сув фақат 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида узатилади

Хунарамдлар қайси солиқлардан озод этилади?

7-БЕТ

ОТМда ўқиш стажга киритилади ва меҳнат дафтарчасида қайд қилинади

Ушбу сонда:

Бюджет ходимларига бир неча лавозимда ишлаганлик учун – маошнинг 50%и, шифокорларга эса 2 ставкага рухсат берилди

Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2017 йилдаги 920-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотларини кадрлар билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тасдиқланди.

Хужжат билан ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомига (18.10.2012 йилдаги 297-сон ВМҚга илова) ўзгартиришлар киритилди.

Бу – муҳим! Бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ миқдори бир неча

касб ва лавозимда ишланган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 30%идан 50%игача оширилди. Қўшимча ҳақ ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида назарда тутилган маблағлардан тўланади.

Бундан ташқари, энди барча ҳолатларда бўш ўринлар ва тегишли малака мавжуд бўлган тақдирда давлат тиббиёт ташкилотлари ходимлари билан

амалда ишланган вақт учун меҳнатга ҳақ тўланган ҳолда ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида шартномалар тузишга рухсат берилди.

Эслатиб ўтамиз, илгари ноқулай меҳнат шaroитларида ишлайдиган тиббиёт ходимларига агар асосий иши ҳам шундай шароитлар билан боғлиқ бўлса, ўриндошлик асосида ишлаш тақиқланган эди.

Шунингдек, ўриндош-врачлар учун уларнинг иш вақтини ҳисобга олишда истисно қилинди – унинг давомийлиги ойлик нормадан ортиқ бўлмаслиги керак. Соғлиқни сақлаш соҳасининг бошқа ходимлари учун эса (врачлардан ташқари) – иш вақти ойлик нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги даркор.

Маълумот учун: илгари барча тоифадаги ходимлар учун ўриндошлик бўйича ишнинг давомийлиги иш вақти ойлик нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак эди.

Тиббиёт муассасаси раҳбарига устама – тариф ставкасининг 50%игача

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қарори (2017 йил 10 ноябрда 1537-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумот учун: Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси 1.01.2006 йилдан бошлаб барча бюджет тиббиёт ташкилотларида мавжуд.

Низомига биноан ишга виждонан муносабати ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати

учун тиббиёт ходимларининг тариф ставкасига ойлик устамалар тегишли ходим тариф ставкасининг 5 дан 20%игача миқдорда белгиланади. Тўловлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, врачлар ва ўрта тиббиёт хо-

димларининг фаолияти самарадорлиги рейтинг баҳолаш йўли билан аниқланади.

Хужжатга аниқлик киритилди. Унга кўра тиббиёт муассасалари раҳбарларининг оширилган ойлик устамалари юқори турувчи ташкилотнинг қарорига биноан тариф ставкасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси қайта ташкил этилганлиги боис, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни текшириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Хужжат 13.11.2017 йилдан кучга кирди.

Ёш олимлардан кимлар хорижий стажировка ўташга юборилади

Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясининг қарори (2017 йил 15 ноябрда 2948-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказлар ва университетларга қисқа муддатли илмий стажировкага юборишни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Хужжатга кўра, хорижий илмий стажировка ўташга қуйидаги талабларга жавоб берадиган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва техник-муҳандис ходимлари юборилади:

- хорижий тилларни етарли даражада биладиган (TOEFL – 500 дан кам бўлмаган ёки IELTS – 4,5 дан кам бўлмаган), зарур амалий тажрибага эга бўлган;
- тиббий соғлом ва диспансер рўйхатида турмаган;
- ёши 25 дан 45 гача бўлган.

Стажировканинг давомийлиги 3–6 ойни ташкил этади.

Фан ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) илмий стажировкаларга юбориш бўйича танлов ўтказиш ҳақидаги эълонни танлов ўтказишдан 2 ой олдин ОАВ, шунингдек интернет-нашрлар ва ўзининг сайтыга жойлаштиради.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идоралар (кейинги ўринларда – бюртмачи) Агентликка стажировка ўташга номзодларнинг қуйидаги ҳужжатларини тақдим этади:

- бюртмачининг йўлланма хати ва стажировкага юбориш режаси;
- илмий-тадқиқот муассасаси (олий таълим муассасаси) томонидан тасдиқланган ва қабул қилувчи томон билан олдиндан келишилган, илмий стажировка тақлифномаси ва дастури лойиҳаси;
- номзодларнинг маълумотнома-объективкаси (анкета);
- номзодларнинг илмий маълумоти тўғрисидаги дипломининг нусхаси;
- номзодларнинг илмий даражасини, илмий ун-

вонини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);

- номзодлар меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- номзодлар паспортининг нусхаси;
- номзодларнинг 3х4 см ўлчамдаги оқ фондаги 4 та рангли фотосурати;
- номзодларнинг чет тилидан билим даражасини белгилловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу кабул қилинган) (агар мавжуд бўлса).

Қўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, мутахассислик фанидан чет тилида суҳбат ўтказиш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси ва кўникмаларини аниқлаш бевосита бюртмачи томонидан амалга оширилади.

Бюртмачиларнинг стажировкалар бўйича таклифлари 10 кун ичида Агентлик томонидан умумлаштирилади ва махсус эксперт гуруҳига ҳулоса олиш учун киритилади. Эксперт гуруҳи бир ой ичида таклифларни кўриб чиқади ва якуний ҳулосани Агентликка тақдим этади. Агентлик танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссиясига тақдим этади.

Хужжат 16.11.2017 йилдан кучга кирди.

Врач тоифаси учун – нотариус ва тестларсиз

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (2017 йил 16 ноябрда 2649-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Эндиликда врач ва фармацевтларга биринчи малака тоифасини бериш бўйича аттестация ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари (илгари – Соғлиқни сақлаш вазирлиги) ҳузурида аттестация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Аттестациядан ўтиш учун ҳужжатларни топши-

ришда маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг ва мутахассислик бўйича малака оширилганлиги тўғрисидаги сертификатнинг нусхаларини нотариал тасдиқлатиш шарт эмас. Шунингдек топшириладиган ҳужжатлардан талабгорнинг меҳнат фаолияти ҳақидаги ҳисобот охириги 2 йил (илгари – 3 йил) учун тузилади.

Феруз Хайруллаев, Ленера Хикматова, Олег Заманов, Сардор Жумашов, Самир Латипов, экспертларимиз.

УШБУ СОНДА

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2, 7-бетлар
- КАДРЛАР БЎЛИМИ – Директорни қандай қилиб тўғри бўшатиш мумкин – Талаба учун меҳнат дафтарчаси – Таълим: ота-она ва ўқитувчи масъулияти 1, 7-8-бетлар

- РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари: – «Сува таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»; – «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма).

- Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат: – ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МВНинг «Мобиль алоқа хизматларини қўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

- Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 21 октябрдан 27 октябргача бўлган маълумот 3-6-бетлар
- РАСМИЙ АХБОРОТ – ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 23.11.2017 йилдаги 02-09/5753-сон хати 7-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:

- «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Қўчирма).
- **ИДОВАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТ:**
– ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, МВНинг «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.
- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРИН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 21 ОКТЯБРДАН 27 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 20.11.2017 йилдаги 46 (806)-сон, 1131-модда)

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва аҳоли сонининг ўсиб бориши ичимлик сувига юқори талабни, ундан оқиллона фойдаланиш заруратини, шунингдек, республиканинг сув ресурслари чекланган шaroитда замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар дебитор қарздорликни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга ва тармоқнинг янада ривожланишига тўсик бўлмақда. Жумладан:

биринчидан, сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сарфлаш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги, оқибатда унинг етказиб берилиши, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмапти;

иккинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан, жумладан менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларининг самарасиз бошқарилиши тармоқнинг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

учинчидан, водопровод ва канализация тармоқлари, сув таъминоти объектларининг эскирганлиги, кўпчилигиндан қирқ йилдан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги, айниқса, жойларда қўллаб-исрофгарчилик ва аварияларга, сувни етказишда катта йўқотиш ҳамда узилтишларга олиб келмоқда;

тўртинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси учун қарздорлиги юқори даражада;

бешинчидан, водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари ходимларининг касбга тайёргарлик даражаси паст, малакали кадрлар тизимдан чиқиб кетган, ушбу соҳадаги ходимлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари мавжуд.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таъсирчан чораларнинг қўрилмаслиги аҳолини сув билан барқарор таъминлаш масаласини хавф остига қўяди, сув ресурсларидан ўта

ноқиллона фойдаланилишига олиб келади ва замонавий сув тежамкор технологияларни жорий этишга тўсқинлик қилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида бошқарув тизимини, назорат ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий икром бюросига (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) қуйдаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчилик билан ўланиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

сувни сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш.

2. Белгилансинки, Бюро ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, икром иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқлар берилади.

3. Белгилан қўйилсинки, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қуйидагилар учун жавобгардир:

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини, шунингдек, бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган сув ҳаж-

*Ушбу Фармон ва унга Шарҳ «Халқ сўзи» газетасининг 17.11.2017 йилдаги 232 (6926)-сониде эълон қилинган.

ми ва тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ҳажм ўртасидаги тафовутларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

аниқланган тафовутларни бартараф қилиш механизми бўйича тақлифлар киритиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини қўриш;

б) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги қуйидагилар учун жавобдордир:

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатилишини, истеъмолчиларга сув барқарор етказилишини таъминлаш;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати ҳажмлари ҳақидаги ҳисобот ҳамда ахборотлар, дебитор ва кредитор қардорлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги;

водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари томонидан сув таъминоти объектилари, водопровод ва канализация тармоқларининг ҳолати, эксплуатацияси ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш;

истеъмолчиларга ўрнатилган сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши, ўрнатилиши ва эксплуатация хизмати кўрсатилишини, шунингдек, Бюро билан биргаликда улар пломбланишини таъминлаш;

техник шартлар берилишини, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимига истеъмолчиларни улаш ишларининг амалга оширилишини таъминлаш;

Бюронинг мажбурий талабномасига асосан айрим истеъмолчиларнинг магистрал сув қувурларидан белгиланган тартибда узиллишини таъминлаш.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга мувофиқ:

барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади;

сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда I гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан, II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

2017 йил 1 декабрга қадар мuddатда туман (шаҳар)лар ҳесимида 2017 йил 1 ноябрь ҳолатига сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан қардорлиги мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг шахсий рўйхатини, шу жумладан, истеъмолчи – юридик шахслар билан қардорлигини таққослаш бўйича мавжуд далолатномаларни Бюрога тақдим этсин;

2017 йил 1 декабрга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш ва пул маблағларининг ҳаракатини Бюро томонидан мониторинг қилишни таъминловчи, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан тушган маблағларни ягона банк ҳисобрақамларида жамлаш тизимини жорий этсин;

икки ой мuddатда тегишли функцияларнинг Бюрога ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, «Сувоқава» ва «Сувсоз» давлат унитар корхоналарининг назоратчи штат бирликлари қисқартирилишини таъминласин;

бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бюро билан биргаликда Бюро томонидан сув истеъмолчиларидан ундириладиган пул маблағларидан Мажбурий

ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ажратмалар миқдорларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2017 йил 10 декабрга қадар мuddатда Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қондаларига ушбу Фармон талабларини инобатга олган ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда суви ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартибини тасдиқласин;

2018 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда суви ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлаш назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан, сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналарини ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш тизими объектиларини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 апрелга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилсин, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш билан бир вақтда сув таъминоти ва канализация тизими объектиларини технологик аудитдан ўтказсин;

2019 йил 1 январга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Бюро, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда водопровод-канализация хўжалиги объектилари ва иншоотларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда уларни инвентаризациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой мuddатда водопровод-канализация хўжалиги ташкилотларининг рентабеллигини таъминловчи қўлай тарифларни белгилash механизмларини назарда тутган ҳолда, Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тарифларни белгилash тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 январдан бошлаб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун аниқланган тарифларни жорий қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда Сув истеъмолчилари – бюджет ташкилотларини

замоनावий сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналари билан босқичма-босқич жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳўжалик-ичимлик сув таъминотини таъминлаш учун ер усти сувлари чиқарилишининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой мuddатда мазкур Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ташкилий-штар тузилмаси ва Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни киритсин.

10. Бюро ва Ўзбекистон Республикаси Уй-ҳўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

Истеъмолчиларни сув қувурлари, водопровод ва канализация тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотлари фаолиятини:

бошқарув ва назорат тизимининг самарадорлиги, ташкилий-штар тузилмаси ҳамда ходимлар сонининг асослиги; сувни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича амалдаги техник регламентларга; амалдаги ишлаб чиқариш-техника инфратузилмаси ва қувватларининг ҳолатига;

сув водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотларининг рентабеллиги, замоनावий сув ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш даражасига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нарх-навои шакллантириш ва тарифларнинг асослиги, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатига;

сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатишдан келиб тушадиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланилганлиги;

дастурлар, инвестиция ва бошқа лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳолати, амалга оширилаётган молиявий қўйилмалар ва жалб этилаётган, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларнинг самарадорлигига;

кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилишига; молия-ҳўжалик фаолияти натижалари, дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолати, уларни камайтириш бўйича қўйилган чораларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда танқидий ўргансин.

Ўрганиш натижалари бўйича 2018 йил 10 январга қадар мuddатда сув таъминоти ва сув чиқариш бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-ҳўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бош прокуратураси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шу жумладан, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги, шунингдек, ўшбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Уй-ҳўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бюро ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 16 ноябрь,
ПФ–5241-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5241-сон Фармонига ШАРҲ

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аҳолига уй-ҳўй коммунал хизмат, жумладан сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш сифатини тубдан оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Уй-ҳўй коммунал соҳасини ислох қилиш доирасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу масала сув ресурслари чекланган, сувга талаб ошиб бораётган ва мамлакат аҳолиси сони ўсиб бораётган шароитда янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда водопровод-канализация ҳўжалигида тўпланиб қолган тизимли муаммо ва камчиликлар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қарздорлигининг ошиб боришига ва тўлов интизомининг пасайишига сабаб бўлиб, охири-оқирбатда тармоқнинг умуман ривожланишдан ортада қоллишига олиб келмоқда.

Энг аввало, сўз республика водопровод-канализация ҳўжалигида сувни ишлаб чиқариш, сарфлаш ва истеъмол қилишни таъминлаш тизимининг амалда мавжуд эмаслиги ҳақида бормоқда.

Масалан, бугунги кунда республика бўйича сув олиш иншоотлари, сув қувурлари, водопровод тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқаришнинг бошқа объектларида сувни ҳисобга олиш ускуналари билан таъминлаш атиги 29,4 фоизни, истеъмолчиларни қамраб олиш эса 42 фоизни ташкил этади.

Оқибатда, амалиётда сувнинг етказиб берилиш, тўловлар ўтказилиши ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати, шунингдек, истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги таъминланмаётгани.

Бундан ташқари, уй-ҳўй коммунал соҳасида сув таъминоти корхоналарини, жумладан, менежмент ва дебитор қарздорлик ундирувини ташкил этиш масалаларини бошқаришда самарали тизим мавжуд эмас.

Бунинг оқибатида юзага келган водопровод-канализация ҳўжалиги корхоналарининг зарар билан ишлаши, шунингдек, мазкур корхоналарда катта миқдордаги кредитор ва дебитор қарздорлигини мавжудлиги уларнинг молиявий аҳволини ички имкониятлар ҳисобидан яхшилаш имконини бермайди.

Водопровод-канализация тармоқлари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг аксарият қисмининг эскирганлиги, шунингдек, уларни янгилаш ва модернизация қилиш суръатининг пастлиги ҳам жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Хусусан, республиканинг мавжуд водопровод-канализация тармоқлари ва сув таъминоти объектларидан қирқ йилдан қўл мудат давомидида фойдаланилмоқда, сув қувурлари ва сув таъминоти тармоқларининг 35 фоизидан ортиги эса кечиктириб бўлмайдиган таъмирга муҳтож.

Сув таъминоти ва сув чиқариш объектларининг ачинарли аҳволи, айниқса, жойларда суви истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотишда қўллаб қоллаш ва бошқа салбий ҳолатларни, узилишларни келтириб чиқараётган, деярли 40 фоизга етаётган жиддий йўқотишларга олиб келмоқда.

Водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотларининг етказиб берилган электр энергияси учун юқори даражада қарздорлиги ҳам тармоқнинг ривожланишига салбий таъсир этаётган жиддий муаммолардандир.

Масалан, жорий йил 9 ойда сув таъминоти корхоналарининг электр энергиядан қарздорлиги 43,2 миллиард сўм қўпайиб, 276,1 миллиард сўмни ташкил этган.

Водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотлари ходимлари касбий даражасининг пастлиги, шунингдек, малакали кадрларнинг тизимдан кетиб қолгани, сув таъминоти ва сув чиқариш корхоналари ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатларининг мавжудлиги хавотир уйғотмай қолмайди.

Мисол учун, фақат 2015–2017 йиллар давомида ушбу корхоналар мансабдор шахсларига нисбатан талон-торож, қарздорлиқни ҳисобдан қиқарганлик учун моддий манфаатдорлик, ноқонуний равишда сувдан фойдаланганлик ва сув таъминоти тизимларига уланганликни яшириш ҳолатлари бўйича 47 та жиноят иши қўзғатилган.

Республика аҳолисини сув билан барқарор таъминлашни хавф остига қўйдиган юзага келган вазиятни, шунингдек, уни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш заруратини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати қўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

Фармонда республиканинг водопровод-канализация ҳўжалигини бошқариш тизимини, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олиш механизмларини тубдан тақомиллаштиришни, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати қўрсатиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) вазифалари доираси кенгайтирилмоқда.

Эндиликда, Бюро электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш билан бир қаторда сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўловлар ундирилишини таъминлайди.

Шу муносабат билан, Бюрога:

Биринчидан, сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улашиш ҳолатларини аниқлаш, бартафак этиш ва олдини олиш;

Иккинчидан, сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

Учинчидан, сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

Тўртинчидан, суви сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирок этиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

Юклатилган қўшимча вазифаларни бажариш учун Бюрога илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, юқори иши юритиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5059-сон Фармони 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ваҳолатларнинг барчаси берилмоқда.

Мисол учун, Бюро ходимлари нафақат электр энергияси ва табиий газ, шу билан бирга, сув етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан, шу жумладан, ҳўжалик юритувчи субъектларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишмаган ҳолда, текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сув учун қарздорлик мавжуд бўлганда ҳам, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамларига уни сўзсиз ундириш ҳақида бажарилгани мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйилди, жисмоний шахсларга нисбатан эса иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга талабномалар юборилди.

Бундан ташқари, Бюро ходимлари сув учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, тармоққа ноқонуний улашни, талон-торож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан узиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фармоннинг 3-бандида Бюро ва Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлигининг сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари соҳасида жавобгарлик доираси белгилаб берилган бўлиб, бу мазкур идоралар фаолиятида бир-бирининг ишини қайтариш ва таққорилиқ ҳолатларини истисно қилди ҳамда ишониб топширилган фаолият йўналиши учун жавобгарлиқнинг «йўқолиб кетиши»га йўл қўймайди.

Фармон қабул қилиниши муносабати билан сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб бундай хизматлар учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди. Бунда сув таъминоти ва сув чиқариш тармоғидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улаш истеъмолчилар гуруҳларидан келиб чиқиб улардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки ва ўн баравари миқдориди тўлов ундириш орқали амалга оширилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари қўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан тақомиллаштириш бўйича қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадидида масъул вазирлик ва идораларга қатор ташкилий тадбирларни ўтказиш ҳақида топшириқлар берилди.

Энг муҳим тадбирлардан бири сифатида Фармон қабул қилингандан кейин бир ой муддатда суви ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашда йўқотишларни аниқлаш тартиби тасдиқланишини қўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январга қадар сув чиқариш ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлашни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона автоматлаштирилган тизимини яратиш ҳамда жорий этишни, шу жумладан, сув тақсимлаш тармоқларида ҳисобга олиш ускуналариин ўрнатишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 апрелга қадар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг барча гуруҳ истеъмолчиларини инвентаризация қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳақида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва қўрсатилган хизматлар учун тўловларга тузатишлар киритиш

билан бир вақтда сув таъминоти ва канализация тизими объектларини технологик аудитдан ўтказиш режалаштирилган. 2019 йил 1 январга қадар эса водопровод-канализация хўжалиги объектлари ва ишнотлари кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда инвентаризация қилинади.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари томонидан масъул вазирлик ва идоралар олдида водопровод-канализация хўжалиги ташкилотлари фаолиятини таъкидлий ўрганиш ҳамда натижаси бўйича сув таъминоти ва сув чиқариши бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритиш вазифалари қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида*

(Кўчирма)

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва «Ҳунарманд» уюшмасининг қуйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

«Ҳунарманд» уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадали тўловсиз киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан ҳунармандларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, ҳунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган ҳунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишни назарда tutиш.

3. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб ҳунармандчилик субъектлари – «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари:

ҳунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилиши;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгиланган бўлисин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки

Фармонда ёш авлодда сувга нисбатан тежамкорона муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига тегишли топшириқлар берилди.

Фармоннинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса тармоқнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини соғломлаштириш ва умуман, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

ҳафта муддатда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Қуйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳунармандчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, уларга ер майдони, бинолар ажратиш, уларни ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларига улаштириш, кредит ресурслари ва хом ашё билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш;

ҳудудларда ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, ушбу марказлар қурилишининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга ҳунармандчилик субъектларини жойлаштириш, қурилаётган объектларнинг намунавий лойиҳасини тасдиқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, экспорт қилишга кўмаклашиш бўйича ҳудудларда чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан аҳолининг ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларида бандлигини ошириш учун ҳунармандчилик ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар бериш бўйича, банк кредит сиёсатида аралашмаган ҳолда, «Микрокредитбанк» АТБ тасвирлар тақдим этиш.

6. Ҳунармандчилик фаолияти субъектлари – «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек, 5-иловадаги схемага мувофиқ ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатта мўлжалланган жами 50 миллион АҚШ доллари миқдорига, жумладан, «Микрокредитбанк» АТБ, «Халқ банки» АТБ ва «Агробанк» АТБ (кейинги ўринларда тижорат банклари деб аталади) учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очил тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғарма-

*Ушбу Фармон ва унга Шарҳ «Халқ сўзи» газетасининг 21.11.2017 йилдаги 234 (6928)-сонидан эълон қилинган. «СБХ»да Фармон кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

си бир ой мuddатда юқорида қайд этилган тижорат банкларига улар томонидан хунармандчилик фаолияти субъектларига миллий валютлада имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун кредит линиялари очишни куйидаги шартларда таъминласин:

имтиёзли микрокредитлар олти ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, икки йил мuddатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаридан ошмаслиги зарур;

ўзларининг ишлаб чиқариш эътиёжлари учун асбоб-ускуна ва эътиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фойз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизини, айланма маблағларини тўлдирishi учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фойз ставкаси даражасини ташкил этиши;

имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг ссуда ҳисобрақамидан унинг тулов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки жиомсий шахсининг талаби бўйича депозит ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки жиомсий шахсга хизмат кўрсатуви билан тариф сисёатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташаббускорлар ва тижорат банкларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда, 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ, 2018–2019 йилларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ўз вақтида куриш ва фойдаланишга топширишни куйидагиларга эътиборни қаратган ҳолда таъминласин:

хунармандчиликни ривожлантириш марказларини тарихий-анъанавий архитектура услубида куриш, уларга зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини тортиб бориш ва ҳудудларда қарвонсарой (мехмонхоналар), кафе, ресторан ва туристларни жалб этиш учун бошқа объектларни жойлаштириш;

хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ҳудудида «тарихий Шарқ Бозори» услубида савдо расталари ва халқ ижоди (дорбоз, полвон, масҳарабозлар ва бошқалар) кўргазмалари учун махсус жойлар ажратиш;

мазкур марказларда қуриладиган турар жой биноларининг биринчи қаватида устакхона ва савдо ишцоотлари, юқори қаватларида хунармандлар учун турар жойлар ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

банд бўлмаган аҳолига, айникса, ёшларга «Уста-шогирд» услубида тақомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича хунармандчилик сир-асорларини ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018–2019 йилларда 1 миллиард сўм миқдорда маблағлар ажратишни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича хунармандчилик фаолияти билан шугулланувчи «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ажратилган микрокредитларни тўлаш ҳисобига келиб тушган миллий валютладаги маблағларини конвертация қилишни амалга ошириш;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда тижорат банкларининг расмий веб-саҳифаларида хунармандчилик фаолияти субъектлари учун имтиёзли микрокредитлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи электрон хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

«Хунарманд» уюшмасига аъзо хунармандларга касб-хунар коллежларининг махсус устакхоналарида хунармандчилик бўйича таълим беришда яқка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилди;

«Уста-шогирд» мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдориди сугурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўйилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

хунармандчилик билан шугулланувчи шахслар учун ташқи реклама воситасини жойлаштиришнинг учун маҳаллий бюджетга тўловнинг амалдаги ставканиннг 50 фоизидан ошмайдиған имтиёзли тартибини жорий этсин;

икки ойлик мuddатда бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар ҳудудларида, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки:

хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисобрақамидида чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилди;

хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомидида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда:

ташқи бозорларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини кенг танитиш функциясини ўзига оладиган Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда очилган савдо уйлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдиги савдо-инвестиция уйлари жалб этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини намойиш этишга йўналтирилган «Шарқ марвариди» Ўзбекистон анъанавий санъат халқро фестивалининг ҳар йили сентябрь ойида ташкил этилишини таъминласин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

доимий мамлакатларга эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

хунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдориди белгиланади;

хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида («ноль» харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматида (бошлангич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади);

бир неча хунарманд бир объектни («ноль» харид қийматида) олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очик савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу хунармандлар иштирок этади.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган шартлар асосида хунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомидида хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

17. Хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хом ашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида:
«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси «Хунарманд» уюшмасининг буюртманомалари бўйича хунармандларга ипак хом ашёси ва ипак толасини ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда ёнч уймақорлиги билан шугулланувчи хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хом ашё сифатида ишлатиладиган даракх турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонлари ажратиш чораларини қўрсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хайтов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
ПФ-5242-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

**МОБИЛЬ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР
(УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯЛАРИ) ТОМОНИДАН АБОНЕНТ РАҚАМИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2017 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-5

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 13.11.2017 йилдаги 45 (805)-сон, 1119-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги Ф-4977-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда 2017 йил 14 августдаги Ф-5022-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю ва 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низома қуйдаги қўшимчалар киритилсин:

а) 2-банд қуйдаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимида фойдаланиладиган рақамлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан белгиланган энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасидаги электр энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматларни ҳисобга олиш асбобларини улашни таъминлаш учун уяли алоқа компаниялари томонидан ажратилган рақамлар.»;

б) 4-банд қуйдаги жумла билан тўлдирилсин:

«Энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимида фойдаланиладиган рақамлар тўлов объекти ҳисобланмайдиган».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирининг биринчи ўринбосари
О.УМАРОВ.
154-мх-сон**

**Молия вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
134-сон**

Тошкент ш., 2017 йил 22 сентябрь.

*Мазкур қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида 8.11.2017 йилда эълон қилинган.

РЕКЛАМА



«КИЧИК» КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талдымаржон кўч., 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА
ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2017 ЙИЛ 21 ОКТЯБРДАН 27 ОКТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2936.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 12-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиҳа) ишини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2937.

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 13-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2938.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мх-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 01-02/12-39-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини

тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 13-иловасини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-2.

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдаги 135-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/9-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-7.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 октябрдаги 27/5-сон «Қўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пассив ҳисобварақалари валюта қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-1.

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 10-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 9-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2761-1.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2761, 2016 йил 5 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 27 октябрдаги 353-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

23.11.2017 йил
02-09/5753-сон

Вазирликлар ва идораларга
(рўйхат бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5245-сон Фармонининг 4-бандини бажариш мақсадида, ушбу Фармонда белгиланган 172 240 сўм миқдоридagi энг кам иш ҳақи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 206-сон қарори билан тасдиқланган тариф коэффицентлари асосида ҳисобланган ЯТСнинг разрядлари бўйича ставкалари миқдорини амалда қўллаш учун маълум қилади.

Вазирнинг биринчи ўринбосари
Э.Муҳитдинов.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
23.11.2017 йилдаги 02-09/5753-сон хатида
ИЛОВА

БЮДЖЕТ МУАССАСА ВА
ТАШКИЛОТЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ
СТАВКАЛАРИ МИҚДОРЛАРИ

Тариф разрядлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 206-сон қарорининг 1-ило-васида белгиланган тариф коэф-фициентлари	Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарори асосидаги тариф коэффицентлари рига биноан 2017 йил 1 декабрдан қўлланиладиган тариф ставкалари миқдори (сўм)
1	2	3
1	2,476	426 466
2	2,725	469 354
3	2,998	516 376
4	3,297	567 875
5	3,612	622 131
6	3,941	678 798
7	4,284	737 876
8	4,640	799 194
9	4,997	860 683
10	5,362	923 551
11	5,733	987 452
12	6,115	1 053 248
13	6,503	1 120 077
14	6,893	1 187 250
15	7,292	1 255 974
16	7,697	1 325 731
17	8,106	1 396 177
18	8,522	1 467 829
19	8,943	1 540 342
20	9,371	1 614 061
21	9,804	1 688 641
22	10,24	1 763 738

Талаба учун меҳнат дафтарчаси

4-босқич талабаси бизга ишга кириш нияти-да келди. Меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд этиш керакми, ахир ушбу ёзувдан олдин ўқиши тўғ-рисида ёзув бўлиши керакку, институтдан маълумотнома олишга эса ҳали эрта, у ўқи-шини тугатгани йўқ. Бунгача ҳеч қаерда ишламаган. Қандай ўй тутаиллик?

Л.О.

Ишга қабул қилишда меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш

Ходим (ишга жойлашаётган ва ўқишини тўхтат-маётган талаба) билан иш берувчи ўртасидаги ке-лишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланган меҳнат шартномаси тузилиши мумкин (МКнинг 119-моддаси 1-қисми).

Иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган бар-ча ходимларга (талабаларга ҳам) меҳнат дафтарча-сини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно (МКнинг 81-моддаси).

Кундузи ўқиб туриб ишлаш

Кундузи ўқийдиган шахсларнинг меҳнат шартно-маси бўйича ишлаши ўриндошлик саналмайди ва унга умумий асосларда ҳақ тўланади, сабаби тўлиқ-

сиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йил-лик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқла-рини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МКнинг 119-мод-даси 3-қисми).

Меҳнат дафтарчасига ўқиши ҳақидаги ёзувни қайд этиш

Иш берувчи меҳнат дафтарчаларига ёзувларни, шу жумладан олий ўқув юр்தларининг кундузги бўлимида ўқиган вақти тўғрисидаги ёзувни те-гишли ҳужжатларнинг санаси, сон рақами ва номига ҳавола қилган тарзда алоҳида сатр қилиб кирита-ди. Улар меҳнат дафтарчасига ишга қабул қил-ганлик тўғрисидаги ёзувдан олдин киритилади (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 2.14, 2.17-бандлари).

Масалан: «Титаник» МЧЖга ишга қабул қи-лингунга қадар _____ даврдан _____ давргача _____ да ўқиган».

(муассаса номи)

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Таълим: ота-она ва ўқитувчи масъулияти

Биз техника асрида яшаяпмиз. Телефон, интернет, гаджетлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига, шу жумладан таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу таъсир эса ҳам ижобий, ҳам салбий бўлмоқда.

Ўқув жараёнида компьютер тех-никаси, тасвирий усуллардан фой-даланиш, фильмлар кўрсатиш ва ҳ.к. таълим сифатини янада оши-риш имкониятини яратди.

Шу билан бирга интернетда ёшлар онг-тафаккурига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотлар – маданиятсизлик, ахлоқ-сизлик, ваҳшийлик, шавқатсизлик-ни тарғиб қилувчи маълумотлар, тасвирлар деярли чекланмаган ҳолда ва миқдорда берилмоқда. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишда жаҳон миқёсида интернетда бериладиган маълумотларга чеклов ўрнатиш, тар-тибга солиш фурсати келгандай кўринади.

Болаимизни илк бор мактаб осто-насига қўлидан ушлаб, яхши ниятлар билан, ўқимишли, зиёли бўлсин деб олиб келамиз. Асраб-авайлаймиз, ҳар куни бирга дарс қиламиз, қисқаси, ҳар куни назорат қиламиз. Лекин шу назоратни бола юқори синфларга ўтганда таққа тўхтатамиз.

Кўпчилик ўқувчиларимиздан ота-онангиз сиздан уй вазифан-гизни бажардингизми деб сўра-шадими, деб қизиққаннимизда аксарияти «йўқ» деб жавоб бери-шади. Болага ота-онанинг назора-ти сусайдими, у бошқа томондан «тарбия» ола бошлайди. Бола то илм даргоҳини тугатгунча ота-она назорат қилиши керак.

Фикримизча, таълим тизимида ўқитувчи билан ота-она ўртасида дўстона муносабатни ўрнатиш ке-рак. Айрим ота-оналарни мактабга чақирганда, дарров ўқитувчидан айб излашади. Бола тарбияси ва унинг ўқишга муносабати ҳақида гап кетганда ота-она ҳам ўқитув-чига ёрдам бериши керак, чунки қарс икки қўлдан чиқади. Ота-она фарзандининг уй вазифаларини бажаришини текшириши, дарслар-ни ўзлаштириши билан қизиқиши, ойда бир маротаба синф раҳбари, керак бўлса, фан ўқитувчиларидан маълумотни, албатта юзма-юз уч-рашиб олиб туриши керак.

Таълим тизимига ҳар бир ўқи-



тувчи ўзининг ҳар бир ўқувчиси ота-оналари билан исталган ўзаро қўлай келишилган пайтда фарзан-дининг ўқиши юзасидан мулоқот олиб бориши кераклиги қондасини киритиш лозим. Бунда умумтаъ-лим мактабларида ҳар бир ўқув-чининг яшаш манзили, ота-онаси-нинг телефон рақамлари ҳақида маълумотлар базасидан фойда-ланиш мумкин. Ота-оналарда ҳам ўз фарзандига таълим бераётган ўқитувчи ҳақида маълумотлар бў-лиши керак.

Зулфия Отахонова,
1-Республика тиббиёт коллежи
кимё фани ўқитувчиси.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотураж жой офис учун ижарага топширилади, мебелли билан. Т. (+99890) 956-44-35.

Яшнобод тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил 10 сентябрдаги 005815-07-сонли реестр

рақами билан рўйхатга олинган «JUMASHEV MED SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 303440044) тугатилади.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисида такроран 22.11.2017 йилдаги 1-сонли қарор.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (94) 607-05-28 телефони орқали қабул қилинади.

1-бетда Директорни қандай қилиб тўғри бўшатиш мумкин

Рахбар лавозим мажбуриятларини виждонан бажармаётган, мулкдорларни корхонанинг молиявий аҳолидан атайлаб беҳабар қолдираётган, уни бузиб кўрсатаётган ва бизнесни деярли ўзлаштириб олаётган бўлса, нима қилиш керак?

У «икки томоннинг розилиги билан» ихтиёрий кетишни истамаса, бундай рахбар билан меҳнат муносабатларига барҳам бериш учун мулкдорлар нима қилишлари лозим?

Умумий қоидага кўра, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида қўшимча, қонунда назарда тутилмаган меҳнат муносабатларини бекор қилиш асослари қайд этилиши мумкин эмас. Агар бундай шарт меҳнат шартномасига киритилган бўлса, у МКнинг 5-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилади.

Бироқ муайян тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутиш мумкин, яъни айнан:

- корхона раҳбари (директор, бошқарув раиси ва ҳ.к.);
- рахбар ўринбосарлари;
- бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақ-

дирда эса – унинг вазифасини амалга оширувчи ходим (МКнинг 97-моддаси 5-банди).

Ушбу моддани қўллаш учун меҳнат шартномасини шундай тузиш зарурки, кўрсатилган мансабдор шахсларнинг муайян санадаги ишини аниқ ва равшан баҳолаш мумкин бўлсин. Бунинг учун меҳнат шартномасида уни бекор қилишга асос бўла оладиган баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини кўрсатиш лозим.

Рахбар фаолияти ҳақида сўз юритилганда уни баҳолашнинг қуйидаги кўрсаткичлари кенг тарқалган:

- ярим йиллик (йил) якунларига кўра соф фойда кўрсаткичи;
- корхонанинг рентабеллиги;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати;
- компания маблағларидан оқилона фойдаланиш ва ҳ.к.

Меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳисобот санасига келиб кўрсаткичнинг муайян даражасига етиш бу ҳолда мезон саналади.

Рахбар ўз ишида меҳнат шартномасида қайд этилган кўрсаткичларга эришмаган тақдирда у билан тузилган шартнома ушбу асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

МКнинг 97-моддаси 5-банди асосида муассислар раҳбарни ишдан бўшатишлари учун амалга оширишлари зарур бўлган хатти-ҳаракатлар:

1. Ҳисобот даври якунларига кўра меҳнат шартномасида назарда тутилган кўрсаткичларни бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш.
2. МКнинг 97-моддаси 5-бандига асосан рахбар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тегишли буйруқ чиқариш. Уни умумий йиғилиш раиси имзолайди.
3. Корхонанинг янги раҳбари тайинланиши тўғрисида қарор қабул қилиш.
4. Ишдан бўшатишган раҳбардан янги тайинланганига муҳр, бирламчи ҳужжатлар, электрон қалитлар ва бошқаларни қабул қилиш-топишириш далолатномасини расмийлаштириш.

Рахбар билан меҳнат шартномаси стандарт шаклда тузилган ва уни бекор қилиш учун қўшимча асослар унда назарда тутилмаган бўлса, МКнинг 97-моддаси 5-бандига асосан ишдан бўшатишнинг имкони бўлмайди.

Стандарт меҳнат шартномасига эга бўлган ҳолда беҳафсала раҳбарни қандай ишдан бўшатиш мумкин? Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида муассисларнинг ташаббусига кўра рахбар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш учун махсус асослар мавжуд эмас.

Меҳнат шартномасини иш берувчи (мулкдор, муассис)нинг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт (МКнинг 100-моддаси). Бу ҳолда қуйидагилар ишдан бўшатиш учун асос бўлиши мумкин:

➤ ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолайик бўлиб қолиши;

➤ ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги;

➤ ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги;

➤ ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги.

Соғлом ва ҳали пенсия ёшига тўлмаган раҳбарни ишдан бўшатиш анча узоқ ва сердиққат жараён. Ушбу вазиятда меҳнат вазифаларини мунтазам

равишда бузиш ишдан бўшатиш учун сабаб бўлиб хизмат қила олади.

Меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш деганда қуйидагилар тушунилади:

- ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган кундан эътиборан бир йил мобайнида такроран интизомга хилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиши;
- аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилиши.

Меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун раҳбарни ишдан бўшатишга доир муассисларнинг хатти-ҳаракатлари алгоритми:

1. Ҳақиқатда меҳнат вазифаларини бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш.
2. Рахбар меҳнат вазифаларини бажармаганлиги учун маъмурий жазога ёки моддий жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги, умумий йиғилиш раиси имзолайдиган буйруқ чиқариш.
3. Меҳнат вазифаларини такроран ҳақиқатан бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш.
4. Рахбар меҳнат вазифаларини бажармаганлиги учун такроран маъмурий жазога ёки моддий жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги, умумий йиғилиш раиси имзолайдиган буйруқ чиқариш.
5. Мунтазам равишдаги қонунбузарликлари учун рахбар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида муассислар қарор қабул қилишлари ва тегишли буйруқ чиқаришлари.
6. Муассислар корхонанинг янги раҳбари тайинланиши тўғрисида қарор қабул қилишлари.
7. Ишдан бўшатишган раҳбардан янги тайинланганига муҳр, бирламчи ҳужжатлар, электрон қалитлар ва бошқаларни қабул қилиш-топишириш далолатномасини расмийлаштириш.

Ишдан бўшатишган рахбар ҳужжатларни топиширишдан бош тортми, ҳақиқатда корхонани бошқаришда давом этса, қандай йўл тутиш лозим?

Қуйидагиларни тавсия этишимиз мумкин:

1. Барча муассисларнинг мавжуд муҳрни йўқ қилиш ва янгисини тайёрлаш тўғрисидаги баённома қарорини қабул қилиш.

2. Хизмат кўрсатувчи банкка қуйидагиларни тақдим этиш:

➤ муассисларнинг қарори ва янги рахбар (директор) тайинланиши тўғрисидаги буйруқ нусхалари;

➤ муҳр изи (янгисиники) ва янги тайинланган раҳбарнинг имзо намунаси.

3. «Солиқ тўловчи – юридик шахс тўғрисидаги қўшимча маълумотлар» 8-сон шаклини ДСИга топишириш.

Хулоса: қонун ҳужжатларида раҳбарлар, раҳбарларнинг ўринбосарлари ва бош бухгалтерлар билан меҳнат шартномаларини уларни бекор қилиш учун қўшимча асосларни киритган ҳолда тузиш ҳуқуқи берилади. Ушбу тоифадаги шахслар билан меҳнат шартномаларини тўғри тузиб, муассислар ўзлари ва бизнесларини ноинсоф ёлланма ходимлардан ҳамда уларни ишдан бўшатишда муаммолардан ҳимоялаган бўладилар.

Ирина Пчелинцева, «Business Image» адвокатлик бюросининг адвокати.

4. Етказиб берувчиларни янги рахбар тайинланганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

Эҳтимолий оқибатлари: ишдан бўшатишган рахбар мажбурий проғул вақти учун иш берувчидан ўртача ойликни ундирган ҳолда ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси билан ваколатли судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд ходимга нисбатан маъмурий жазо қўлланганини, шу жумладан МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3, 4-бандларига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини ноқонуний деб топишга ҳақли.

Ушбу қарорнинг қабул қилинишида инсон омили салмоқли аҳамият касб этади. Суд қилмишининг огирлиги ва вазият жазо чорасига мувофиқ келмайди деб ҳисоблаши мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифабовчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базисида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатқичи – 186. Қўзғат бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси қилинган нарқда.
Буюртма г-1192. Адади 1 080. Газета 2017 йил 27 ноябрь соат 14.25 да топириди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.